

УЎК (УДК, UDC): 372.881.1
DOI: 10.36078/1577697512

ЧЕТ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА АУТЕНТИК АУДИО-ВИДЕО МАТЕРИАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ



Шахло Рахмоновна ТЕМИРОВА

Докторант

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

Temirovash87@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада чет тилини ўқитишда аудио ва видеоматериаллардан фойдаланишнинг самарали усуллари таҳлил қилинган. Ҳар қандай тил ўрганувчи учун хорижий (она тили бўлмаган) тилни ўрганиш қийинчиликлар туғдиради. Ана шундай қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида, дастлаб, тил ўрганувчиларнинг коммуникатив компетенциясини шакллантириш масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, тил ўргатиш жараёнида ўқитувчи томонидан турли ёшдаги тил ўрганувчиларга тақдим этилаётган аудио ва видеоматериалларни саралаш босқичма-босқич амалга оширилди. Тил ўргатиш жараёнида видеоматериаллар муҳим аҳамиятга эга. Аудио ва видеоматериаллардаги нутқ эгасининг фикри, психо-эмоционал ҳолати, юз ифодалари, имо-ишоралари ёдамида талабаларнинг тил ўрганиш имконияти янада ортади. Бундай материаллардан фойдаланиш жараёнида тил ўрганувчи видеоматериалдан нутқ эгасини тўлақонли тушунмаслиги мумкин, аммо унинг имо-ишора ва мимикаларидан сўзловчи нутқини тахмин қилиши ёки қисман тушуниши мумкин. Бундай материаллар орқали тил ўрганувчида аста-секин тил ўрганишга кўникма ҳосил бўлади. Тадқиқот натижасига кўра, фақат овоз орқали тақдим этилган маълумотларга нисбатан овозли видеотасвирлар ёрдамида тақдим этилган маълумотлар тил ўрганувчиларга воқеликни яхлит англашга ёрдам беради.

Тил ўрганувчилар аудиториясига мавзу жиҳатдан мослаштирилган аудиовизуал материаллар ёрдамида уларнинг коммуникатив компетенциясини ошириш мумкин.

Калит сўзлар: чет тили; ўқитиш методикаси; аутентик материал; видеоматериал; коммуникатив компетенция; коннотатив лексика; мимика; вербал мулоқот; новербал мулоқот.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ АУТЕНТИЧНЫХ АУДИОВИДЕОМАТЕРИАЛОВ ПРИ ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ

Шахло Рахмоновна ТЕМИРОВА

Докторант

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

Temirovash87@gmail.com

Аннотация

В статье проанализированы эффективные методы использования аудио- и видеоматериалов при обучении иностранным языкам. При изучении иностранного (неродного) языка всегда имеются определенные трудности. Для их преодоления, во-первых, обсуждаются вопросы, связанные с формированием коммуникативной компетенции учащегося. Кроме того, отбор аудио- и видеоматериалов, предоставленных преподавателем для изучающих язык, проводился шаг за шагом в учебном процессе. Видеоматериалы играют важную роль в преподавании языка. Способность учащихся изучать язык будет возрастать благодаря мыслям, психоэмоциональному состоянию, паралингвистическим средствам героев аудио- и видеоматериалов. Согласно исследованию, информация, представленная аудиовизуально, поможет изучающим язык получить более целостное понимание реальности, чем информация, представленная только голосовыми данными. В статье делается вывод о том, что можно повысить коммуникативную компетентность изучающих язык с помощью тематически адаптированного аудиовизуального материала.

Ключевые слова: метод; аутентичные видеоматериалы; обучение иностранному языку; коммуникативная компетенция; мимика; вербальная коммуникация; невербальная коммуникация.

USING AUTHENTIC AUDIO & VIDEOMATERIALS IN THE CLASSROOM OF TEACHING FOREIGN LANGUAGES

Shakhlo Rakhmonovna TEMIROVA

PhD student

Uzbekistan State World Languages University

Ташкент, Узбекистан

Temirovash87@gmail.com

Abstract

This article has analyzed effective methods of using audio and video materials in teaching foreign languages. Learning a foreign (non-native) language always makes challenge for any language learner. In order to overcome these difficulties, firstly, the issues connected with forming language learner's communicative competence have been discussed. Also, the selection of audio and video materials provided by the teacher to language learners of all ages was carried out step by step during the language teaching process. Video materials play an important role in language teaching. The ability of students to learn a language will increase through the thoughts, psycho-emotional state, facial expressions, and gestures of the speaker in audio and video materials. While using these materials, the learner may not fully understand the speaker in the video, but may guess or partially understand the speaker's speech from his gestures and facial expressions. Through these materials, the learner gradually acquires the skills to learn the language. According to the study, the information presented by audio-visual images will help language learners gain a more holistic understanding of reality than the information presented by only voice- data. The article concludes that it is possible to enhance the communicative competence of language learners with the help of thematic adapted audiovisual material to the subject of language learners.

Keywords: authenticity; authentic videos; foreign language teaching; communicative competence; mime; verbal communication; non-verbal communication.

Кейинги йиллари жамиятнинг турли соҳаларидаги тараққиёт натижасида чет тилларнинг ўрни мустақамланиб, унга бўлган талаб ортиб бормокда. Ҳеч кимга сир эмас, жаҳонга юз тутган илғор давлатлар меҳнат бозорининг асосий

талаби — чет тилида бемалол мулоқот қила оладиган, компьютер технологияларидан хабардор ва инновацион ғояларга бой ҳамда ўз услубига эга кадрлардир. Бундай талаблар ўз ўрнида мамлакатимизда олиб борилаётган таълим билан боғлиқ ислохотларнинг асосий негизини ташкил этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан қабул қилинган “Таълим тўғрисидаги қонун”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳамда “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1875-сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори чет тилларни ўрганиш давлат аҳамиятига молик масала эканлигини кўрсатди (18).

“Ўзбекистон Республикасида таълимнинг барча босқичларида чет тилини ўқитишнинг асосий мақсади — ўрганувчиларнинг кўп маданиятли дунёда кундалик, илмий ва касбга оид соҳаларда фаолият олиб бориш учун чет тилида коммуникатив компетенциясини шакллантиришдан иборат” (18). Компетенция тушунчаси кўпгина хорижий ва маҳаллий адабиётларда турли соҳа вакиллари томонидан ўз соҳаси йўналишидан келиб чиқиб турлича талқин этилади. Аммо бу атаманинг асоси ягона мазмун, яъни билим, малака ва кўникма каби тушунчаларнинг шахсда мужассамлиги ва уларни турли вазиятларда тўғри қўллаш олиш қобилияти сифатида қаралади.

Бундан келиб чиқадики, чет тили коммуникатив компетенцияси чет тилидаги мавжуд билим, кўникма ва малакаларни мулоқот жараёнида қўллаш қобилиятидир. Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартида чет тили коммуникатив компетенциясининг таркибий қисмлари сифатида лингвистик, социолингвистик, прагматик компетенциялар киритилган бўлиб, бу компетенциялар коммуникатив компетенцияни такомиллаштиришга асос бўлиб хизмат қилади. Тилнинг ижтимоий муносабатларда қўлланилишини ўрганган социолингвист Д. Хаймс тилнинг таъсирини кенгроқ ёритиб бериш мақсадида “коммуникатив компетенция” атамасинини қўллаган. Унинг таърифига кўра, чет тилида коммуникатив компетенцияга эга шахс, нафақат грамматик тузилмаларни билиши, балки тилдан фойдаланиш нормалари ва муайян ижтимоий шароитга мос равишда тилни қўллаш олиш қобилиятига ҳам эга бўлиши керак (13, 269). Бизнингча, ўқувчида бундай билимга эга бўлиш, малака ва кўникмани шакллантириш учун коммуникативликка асосланган тил таълими чет тилини ўқитиш методикасининг устувор йўналиш бўлмоғи лозим.

Коммуникативликка асосланган тил таълими ўз ўрнида чет тилини ўқитиш жараёнида фақат ўқувчига нимани ўргатишни эмас, балки қандай қилиб ўргатиш каби масаласини ҳам таҳлил этади. Коммуникатив тил таълими (Communicative Language Teaching) ёки тилга коммуникатив ёндашувда Ж. Хармер таърифига кўра, тилда эгалланган муайян грамматик нормалар ва сўз бойлиги кўламагагина эмас балки, тилнинг қўлланишдаги вазифасига катта

урғу берилиши лозим деб ҳисоблайди. Шунингдек, CLTда тил ўрганувчилар реал ҳаётий вазиятлардаги мулоқотга тайёрланади, уладан мулоқот жараёнидаги коммуникатив вазифаларни муваффақиятли бажариш талаб этилади (16, 84–85). Ва шу билан бирга коммуникативликка асосланган чет тилини ўқитиш методикаси замонавий тил ўргатиш талабларига кўра тил ўрганувчини фақат мулоқотга ўргатишнинг ўзини қониқарли натижа деб билмайди, балки қўшимча тарзда тил ўқитишнинг турли воситалари асосида ўқувчини ўрганилаётган тил маданиятидан ҳам хабардор қилиш, унинг коммуникативликнинг барча мезонларига амал қилган ҳолда мулоқотга кириша олишини таъминлашини талаб этади.

Е. И. Пассов таълимотига кўра, таълимдаги пировард мақсад — ўқувчини шахс сифатида маънавий кучи ва қобилиятини ривожлантириш, ахлоқий жиҳатдан масъулиятли ва ижтимоий жиҳатдан намунали қилиб шакллантириш — тарбиялашдир (8, 51).

Шундай экан, бугунги кун талаби нафақат таржима қилиш, ёзиш, ўқиш, ёки чет тилида мулоқот қила олиш, балки муайян вазиятларда ўрганилаётган тилни ижтимоий-маданий бирликлардан келиб чиққан ҳолда тўғри қўллаш олишни талаб этади. Ўқувчида чет тил коммуникатив компетенциясини шакллантириш ва унинг ривожланишига тўғридан-тўғри таъсир этувчи таълим методлари ўрганилганда, таҳлил этилган адабиётларнинг асосий қисмида ҳаётийликка асосланган тил таълимининг ёқланганлигига гувоҳ бўламиз.

Чет тилларни ўқитиш методлари йўлида самарали изланишлар олиб борган олим Тер-Минасова замонавий тил ўрганувчилар ҳозирда тилга илмий назарий ҳодиса сифатида эмас, балки ҳаётий эҳтиёж сифатида қараётганликларини таъкидлайди (9, 56).

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, чет тилини ўрганишга бўлган ёндашув ва қарашлар оқими ҳаётий мисолларга бой, реал воқеликка асосланган таълим методини қўллаб-қувватламоқда. Кўпгина олимлар бу борада чет тилини ўқитишнинг кўплаб воситаларидан — радиоэшиттиришлар, Фейсбук (Facebook) ижтимоий тармоғи асосида чет тилини такомиллаштиришга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлашмоқда. Аммо радио, ижтимоий тармоқлар, аутентик матнлар ёхуд турли ICT (11, 180) дастурлар ўқувчида лингвистик, социолингвистик, прагматик компетенцияларни ривожлантиришга ёрдам берадиган бир ёқлама восита сифатида хизмат қилади.

Шу ўринда чет тилини *аутентик видео материаллар* асосида ўқитишни юқоридаги талабларнинг бажарилиши ва коммуникативликка асосланган тил таълимининг асосий воситаси сифатида ўрганувчини реал ҳаётий вазиятларга

тайёрлаш вазифаларининг енгил ечими деб қарашимиз лозим. Бундан ташқари аутентик видеоматериаллар тил ўргатишда реал ҳаётини вазиятнинг алтернатив кўриниши сифатида ёрдам беради.

“Аутентик аудио-видео материалларнинг оммалашуви тил ўрганувчиларга интерактив тил муҳитини ярата олишидадир”, — деб таъкидлайди рус олими Г. А. Воробъёв (2, 33). Шу ўринда коммуникативликка асосланган бу тизимли метод, яъни аутентик видео ёки киноматериалларга асосланган ўқитиш методикаси устида рус олимларидан А. Е. Чикунова (10), Ю. И. Верисокинлар (1), кўп изланишлар олиб борганлар. Хориж олимларидан С. Стемплиски ва Б. Томалинларнинг (17) видеоматериалларини чет тилларни ўқитишда мақсадли қўллаш усуллари ҳақида қатор адабиётлар яратишган.

И. Балтованинг фикрича, овоз орқали тақдим этилган маълумотлардан кўра овозли видеотасвирлар ёрдамида тақдим этилган маълумотлар тил ўрганувчиларнинг воқеликни яхлит англашларига ёрдам беради. Тадқиқот натижасида тил ўрганувчилар орасида яхшироқ анланган маълумотларнинг асосий қисмини видеоматериаллардаги ҳаракатли нутқлар ташкил этиши ҳам аниқланган (12, 521).

Бу методни дарсга татбиқ этиш борасида олиб борилган ўрганиш ва изланишлар қуйидаги хулосаларга олиб келди:

— аутентик видеоматериаллардан фойдаланиш, аввало, тил ўрганувчига у ёки бу чет тилда муайян ижтимоий гуруҳларнинг аниқ бир вазиятдаги, сўзлашув тилининг барча хусусиятлари (эмоционал буёқдорлиги, нутқ тезлиги; мимика каби) билан йўғирилган реал мулоқотни тақдим этади. Бундай ҳаётини тил муҳити орқали тил ўрганувчилар тил *узуси* (меъёр ва талаблари), *коннотатив лексика*, *мимика*, *вербал ва новербал мулоқот* турлари билан яқиндан танишадилар;

— аутентик видеоматериаллар тил ўрганувчиларда коммуникатив компетентликни асосий кўрсаткичи бўлган гапириш (*speaking*) ва тинглаб тушуниш (*listening*) кўникмаларини тезлик билан реал воқеликка асосланган ҳолда нутқда қўлланилган қочиримлар, киноялар, маҳаллий тилда сўзлашувчи кишилар — “*native speaker*”ларгагина маълум лексик бирликларнинг қўланиш ўринлари — дискурсни ўрганган ҳолда ривожланишига олиб келади. Масалан, “Маликанинг кундалиги” (“*The princess dairies*” 2001 йил. АҚШ) фильмида мактаб ўқувчилари орасида қўлланган *folks* ибораси халқ маъносида эмас, балки дўстлар, ўртоқлар маъносида қўлланилаётганлигини, “*my old folks*” эса “менинг қари халқим” маъносида эмас, балки менинг ота-онам маъносида

қўлланилаётганлигини ва бу каби иборалар моҳиятини улар хатти-харакатидан англаб олиш қийин эмас. Бундай оддий ҳаётий мисоллар асосида тилни ўрганиш эса аксарият тил ўрганувчиларнинг провард мақсади бўлган чет тилида унинг нозик томонларини ҳам англаган ҳолда мулоқотга киришишига имкон яратади;

— аутентик видеоматериаллар нутқ эгасининг фикрини психо-эмоционал ҳолати, юз ифодалари, имо-ишоралари орқали ўрганишга имконият беради. Шу билан бирга, инсоннинг руҳий ҳолати билан боғлиқ жараён (хурсандчилик, ҳайратланиш, қайғу, йиғи кабилар) барча маданиятларга хос ва бу каби тушунчалар таржима талаб этмайди. Шундай экан, бу метод ўрганувчиларга нутқ йўналишини контекстни тўлиқ таржима қилмасдан тушуниш имконини беради;

— аутентик видеоматериалларни дарсда қўллаш ўрганувчиларга тайёр нутқ намунасини тақдим этади ва бу тил ўрганувчиларга нутқнинг талаффуз, интонация, грамматик ва лексик жиҳатларини бевосита ўрганиш имконини беради.

Аутентик видеоматериаллардан дарс жараёнида фойдаланилганда, уларнинг мақсадли ва системали намоёиш этилиши ҳамда методик жиҳатдан тўғри йўналтирилиши муҳим аҳамиятга эга. Дарснинг қайси қисмида видеоматериалларни қўллаш дарснинг аниқ мақсади видеоматериалларнинг вазифасига қараб белгиланади (3, 35).

Шундай экан, аутентик видеоматериал дарс бошида мавзуга (ақлий ҳужум методи асосида) кириш, мавзу устида ишлаш ёки дарс охирида мавзунини мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш мумкин.

Айни пайтда, муайян афзаллик ва имкониятларига қарамай, аутентик видеоматериалларни дарсда қўллашда ўзига хос муаммолар мавжуд бўлиб, у биринчи навбатда аутентик видеоматериалларни ўқув режасига мослаштириш билан боғлиқ.

Бунда материалларни саралаш ва мавзуга мослаштириш, уни тил ўрганувчиларнинг ёши, билим даражаси ва аудиториясига (қайси соҳага йўналтирилганлигига) қараб амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Мавзуга оид ўрганилаган манбалар шуни кўрсатдики, аутентик видеоматериалларни саралаш ташкил этиладиган дарс мақсади ва вазифасидан келиб чиқиб муайян принциплар асосида амалга оширилади. Жумладан, рус олими Т. С Малишева (7, 17) бўлажак чет тили ўқитувчиларида ижтимоий маданий компетенцияни шакллантириш бўйича олиб борган тадқиқотида аутентик видеоматериалларни саралашни ижтимоий-маданий

компетенция мезонлари асосида амалга оширилишини илгари сурган бўлса, Г. Г Жоглина (5, 54) таърифида коммуникатив компетенция тамойиллари асосий меъёр сифатида ажратиб кўрсатилган. Америка олимлари Сюзан Стемплиски ва Барри Томалин (17, 7) эса аутентик видеоматериални саралашда унинг ташкилий қисмига кўпроқ эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайдилар.

Биз юқоридаги олимлар фикрини инобатга олиб, аутентик видеоматериалларни саралашнинг қуйидаги меъзонларини таклиф этамиз:

- аутентик видеоматериалнинг таълим мақсадларига мувофиқлиги;
- аутентик видеоматериалдаги ахборотнинг янгилиги ва ихчамлиги;
- аутентик видеоматериални ўқувчининг чет тили билим даражасига мослиги;
- танланган аутентик видеоматериал мазмунининг ҳаётийлиги.

Аутентик видеоматериалларни дарсда қўллашнинг иккинчи ўзига хос жиҳати — ўрганилаётган тилнинг қийинлиги, сўзлар хилма-хиллиги, нутқнинг тезлиги, турли лексик бирликларга бойлигидадир. Бундай вазиятда педогог материалларни қўллашда ўқувчилар имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, муайян системага солинган машқлар кетма-кетлигини ишлаб чиқиши; аутентик видеоматериаллар намойиши билан боғлиқ машқлар устида иш олиб борар экан, видеонамойишнинг уч асосий босқичини ҳисобга олмоғи лозим.

Аудио-видео материалларни дарсда қўллашнинг анъанавий уч босқичи (*Pre-Watching, While-Watching, Post-Watching stages*) мавжуд:

- намойишдан олдинги босқич (аутентик видеоматериални қўллашдан олдинги босқич);
- намойиш босқичи (аутентик видеоматериални қўллаш босқичи);
- намойишдан кейинги босқич (аутентик видеоматериални қўллашдан кейинги босқич).

Юқорида таъкидланган метод асосида самарали машғулот олиб бориш, кўзланган натижага эришиш учун педагог ҳар бир босқичнинг вазифасига мувофиқ машқлар типологиясидан келиб чиқиб дарсни ташкил этиши талаб этилиди. Бунда *биринчи босқич* тил ўрганувчиларни видеонамойишга тайёрлашга йўналтирилган бўлиб, ўрганувчиларга мотивация бериш, қизиқтириш, мавзу билан таништириш, мавжуд билимларни фаоллаштириш каби муҳим вазифаларни ўз ичига олади.

Педагог видеонамойишдан аввал:

- видеоматериал мавзусини ёритишда ёрдам берадиган калит сўзлар ёрдамида мавзунини муҳокама қилиш;

— тақдим этиладиган видеоматериални дастлаб, овозсиз намоёиш этиш (бунда тил ўрганувчиларга нима ҳақида сўз бораётганини тахмин қилиш ёки эркин овозлаштириш имконини бериш);

— намоёиш этиладиган видеоматериалнинг дастлаб фақат аудиоформатини тақдим этиш (видеоматериалнинг овозли формати орқали, видео сюжетини аниқлаш) усулини ўринли қўллаш юқорида айтилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди.

Иккинчи босқичда видеоматериал муайян қисмигача намоёиш этилиб, кейинги воқеалар ривожига ҳақида ўрганувчиларнинг фикрини аниқлаш учун видеоматериал намоёишидан олдин берилган лексик бирликларни қўллаш ўрнига эътибор қаратишга асосланган машқлар бериш мумкин.

Сўнгги босқичда эса намоёиш этилган видеоматериални тушуниш ҳамда материал асосида ёзма ва оғзаки нутқни ривожлантиришга қаратиладиган машқлардан фойдаланиш ёки видеоматериалда айтилган фикрни давом эттиришга йўналтирилган топшириқлар берилади.

Ж. Хармернинг (Harmer J.) видеоматериалларни дарсда қўллаш техникаси тўғрисида берган тавсияларига кўра:

— видеоматериалларни овозсиз кўриш (Silent viewing);

— видеоматериални маълум қисмини тўхтатиб қўйиш (Freeze framing), бунда талабалардан лавҳанинг давомини тахмин қилиш талаб этилади;

— қисман кўриш (Partial viewing), бунда экраннинг асосий қисмини мато ёки қоғоз билан беркитиб видеонамоёиш этилади;

— тасвир ёки овоз (Picture or speech), (дарсда ўтирганларнинг ярми видеони экранга тескари ўтирган ҳолда тинглашади);

— чет тили таълимида бу каби видеони қўллаш усуллари, аввало, ўқувчиларда қизиқиш ва мотивация уйғотади (15, 310).

Хулоса қилиб айтганда, мавзу бўйича тил ўрганувчилар аудиториясига мосланган аутентик видеоматериаллар ўқувчиларга керакли маълумотни кўриш-тинглаш ва имо-ишоралар орқали тушуниш, намоёиш этилган лавҳанинг маданий хусусиятларини тўлалигича англаш билан бирга, улар асосида мақсадга йўналтирилган машқлар тўплами (нутқни ривожлантириш учун диалоглар, баҳс-мунозаралар, монологлар) тил ўрганувчиларнинг коммуникатив компетенциясини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Верисокин Ю. И. Видеофильм как средство мотивации школьников при обучении иностранному языку // Иностранные языки в школе. — Москва, — № 5. 2003. — С. 31–35.

2. Воробьев Г. А. Развитие социокультурной компетенции будущих учителей иностранного языка (поиск эффективных путей) //Иностранные языки в школе [Текст]. — Пятигорск, 2003. — № 3. —С. 30–36.
3. Гунышова Г.А., Использование видеоматериалов в обучении аудированию на уроке иностранного языка // Вестник Кемеровского государственного университета 2015 № 2(62) Т.3. — URL: <https://doi.org/10.21603/2078-8975-2015-2-34-37>
4. Жалолов Ж. Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. — Тошкент: Ўқитувчи, 2012. — 432 б.
5. Жоглина Г.Г. Развитие умений коммуникативной компетенции на основе использования аутентичных видеодокументов (французский язык, языковой вуз): Дис... канд. пед. наук. — Пятигорск, 2000. — 309б.
6. Колчина А. И. Принципы обучения аудированию через систему Интернет// Лингвистика и методика обучения иностранным языкам: Сборник научных трудов. — СПб: Изд-во РГПУ им. А. И. Герцена, 2005. — С. 71–79.
7. Малышева Т. С. Формирование социокультурной компетенции студентов лингвистических вузов посредством аутентичных видеоматериалов /Автореф... канд. пед. наук — Нижний Новгород, 2012. — 22 б.
8. Пассов Е. И. Сорок лет спустя, или Сто и одна методическая идея. — Москва, 2006. — 117 с.
9. Тер-Минасова С. Г. Язык и межкультурная коммуникация. — Москва, 2013. — 260 б.
10. Чикунова А. Е., Аутентичные видеоматериалы как средство развития социокультурной компетенции студентов экономических специальностей // Педагогическое образование в России. — Екатеринбург, 2011. — № 1. — 147–158с.
11. Bilyalova A., ICT in Teaching a Foreign Language in High School// Procedia - Social and Behavioral Sciences(2017) 237 pp. 175–181.— URL: <https://reader.elsevier.com>
12. Baltova. I., Canadian Modern Language Review, University of Toronto Press. Vol. 50, No. 3 Toronto: 1994, pp. 506–531.— URL: <https://www.utpjournals.press/doi/pdf/10.3138/cmlr.50.3.507>
13. Hymes D., On communicative competence; in J. B. Pride & J. Homes: Sociolinguistics Harmondsworth: Penguin. 1972.— 269 p.
14. Harmer J., The practice of English language teaching. 4th ed. Harlow, Pearson Longman 2007. — 310 p.
15. Harmer J., How to Teach English. Pearson Education Limited. 2007. — 286 p.
16. Jack C. Richards., Willy A. Renandya., Methodology in Language Teaching an Anthology of Current Practice. Cambridge University Press 2002.— 422 p.
17. Stemplisky S, Tomalin B. Film. Oxford University Press. 2001. — 163 p.
18. http://lex.uz/docs/2165717?lact_id=2165717&version=print

REFERENCES

1. Verisokin Ju. I., *Inostrannye jazyki v shkole* (Foreign Languages at School), Moscow: Methodological Mosaic, No. 5, 2003, 253 p.
2. Vorobyev G. A., *Inostrannye jaziki v shkole* (Foreign Languages at School), Moscow: Methodological mosaic, No. 2., 2003, 33 p.
3. Gunjashova G. A., *Vestnik Kemerovskogo gosudarstvennogo universiteta* (Bulletin of Kemerovo State University), 2015, Vol. 3, No. 2(62), available at: <https://doi.org/10.21603/2078-8975-2015-2-34-37>
4. Jalolov J.J., *Chet tili ukitish metodikasi* (Foreign languages teaching methodology), Tashkent: Teacher, 2012, 432 p.
5. Zhoglina G. G., *Razvitie umenij kommunikativnoj kompetencii na osnove ispol'zovaniya autentichnyh videodokumentov: francuzskij jazyk, jazykovoju vuz* (Development of communicative

- competence skills based on the use of authentic video documents: French, language University) candidate's thesis, Pjatigorsk, 2000, 309 p.
6. Kolchina A. I., *Lingvistika i metodika obucheniya inostrannym yazykam: Sbornik nauchnykh trudov* (Linguistics and methods of teaching foreign languages: Collection of scientific papers) St. Petersburg: Herzen, 2005, 251 p.
 7. Malysheva T. S., *Formirovanie sociokul'turnoj kompetencii studentov lingvisticeskikh vuzov posredstvom autentichyh videomaterialov* (Formation of socio-cultural competence of students of linguistic universities through authentic videos), Extended abstract of candidate's thesis, Nizhnij Novgorod, 2012, 22 p.
 8. Passov E. I., *Sorok let spustja, ili Sto i odna metodicheskaja ideja* (Forty years later, or One Hundred and One Methodological Idea), Moscow: 2006, 117p.
 9. Ter-Minasova S. G., *Yazik i mejkul'turnaya kommunikatsiya* (Language and intercultural communication), Moscow: Slovo, 2000, 260p.
 10. Chikunova A.E., *Pedagogicheskoe obrazovanie v Rossii.* (Teacher training in Russia) Ekaterinburg: No. 1, 2011. 147, 158 pp.
 11. Bilyalova A., *ICT in Teaching a Foreign Language in High School*, Procedia – Social and Behavioral Sciences, 2017, pp. 175–181 available at: <https://reader.elsevier.com>
 12. Baltova. I., *Canadian Modern Language Review*, University of Toronto Press. Vol. 50, No. 3 Toronto: 1994, pp, 506–531 available at: <https://www.utpjournals.press/doi/pdf/10.3138/cmlr.50.3.507>
 13. Hymes D. H., *On Communicative Competence In: J.B. Pride and J. Holmes (eds) Sociolinguistics. Selected Readings.* Harmondsworth: Penguin, 1972, 293 p. (Part 2), available at: <https://www.homes.uni-bielefeld.de/sgramley/Hymes-2.pdf>
 14. Harmer J., *The practice of English language teaching.* 4th ed. Harlow, Pearson Longman 2007, 310 p.
 15. Harmer J., *How to Teach English.* Pearson Education Limited. 2007, 286 p.
 16. Jack C. Richards., Willy A. Renandya, *Methodology in Language Teaching an Anthology of Current Practice.* Cambridge University Press 2002, 422 p.
 17. Stemplisky S., Tomalin B., *Film.* Oxford University Press 2001, 163 p.
 18. Available at: http://lex.uz/docs/2165717?lact_id=2165717&version=print